

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №\_15

Баликчи т.

«21 » 04 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталуучи Баликчи туман ХТБ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари Н.Хакимова бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи «Бал Баликчи орзулари» ХК ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари М.Собиров иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Буюртмачи»нинг топширигига ва «18» Апрел 2022 йилдаги № 22110012062998 сонли Лотга асосан Баликчи ХТБга карашли 15-мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарип беради.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдикланган сметага ва тандов комиссиясининг карори билан тасдикланган ишлар киймати (барча солисклар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда) га асосан жорий нархларда 30 000 000 (Уттиз миллион) сўмини ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар киймати узил кесил хисобланиб, факатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор холатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чикилиб, томонлар ўргасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўргасида имзоланиб, тегишли Фазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, 30 банк иш кунида «Буюртмачи» томонидан бажариладиган ишлар умумий кийматининг 30% ини, яъни 9 000 000 (Туккиз миллион) сўмини олдиндан аванс тарикасида «Пудратчи»нинг хисоб ракамига ўтказиб беради.

2.4. Колган 70 % и, яъни 21 000 000 (Йигирма бир миллион) сўмини «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 90 банк иш кунида кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.5. «Буюртмачи» охиригина тўловни «Пудратчи» томонидан иш тўлик бажарип топширилиб, кабул килиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 90 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан кабул килиб олади.

Мазкур шартномада илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графикига асосан 24 кун муддатда ишларни бажарип топширади.

Барча ишларни тасдикланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи» га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

### 3.2. «Пудратчи»нинг хукуклари

Бажарип берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажарип топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб килинишини талаб килиш;

Бажарип берилган ишни кабул килиб олиш асосизиравишида рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб килиш;

### 3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдикланган смета бўйича бажарилган ишларни кабул килиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

### 3.4. «Буюртмачи»нинг хукуклари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа мөъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини копланишини талаб килиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларни кабул килиш комиссияси иштироқида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда кабул килиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини назорат килиш;

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вактида топширмаганинги учун «Буюртмачи» хар бир кечикирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган кисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчилликлар «Пудратчи» томонидан ўз вактида бартараф килинмаса «Буюртмачи» тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб килиш хукукига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вактида хақ тўланмаса, хар бир кечикирилган кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 % и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечикирилган тўловларнинг 50 % и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган заарларни коплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

#### V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки кисман бажарилмаслиги табият ходисалари ва бошқа енгид бўлмайдиган куч холатлари натижасида келичиқса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита тъсири эта томонларнинг жавобгарлигидан озод этилиши Конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқлади.

#### VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартерилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкун бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро мухокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро мухокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Конун хужжатларида белгиланган тартибда Иктисадий суди оркали хал этилади.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Фазначилик тизимидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 31 декабр 2022 йилгача амал қиласи.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси хам хукукий жиҳатдан teng кучди хисобланади.

#### VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «ПУДРАТЧИ»

##### «БУЮРТМАЧИ»

###### «Ижро қилувчи»

###### «Буюртмачи»

###### «Бал Баликчи орзулари» ХК

###### Баликчи ХТБ

(етказиб берувчи номи)

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Адрес: Баликчи тумани \_\_\_\_\_

Адрес: Баликчи тумани \_\_\_\_\_

Тел./факс +99893 213 0207 \_\_\_\_\_

Шоҳ кучи № 1 ўй \_\_\_\_\_

х/р 20208000505028905001 \_\_\_\_\_

Тел./факс \_\_\_\_\_

Банк номи Хамкор банк Чинобод булими \_\_\_\_\_

х/р\* 100022860032067092100075069 \_\_\_\_\_

МФО 00083 ИИН 207136610 \_\_\_\_\_

ИИН 206933474 \_\_\_\_\_

ОКОНХ 61110 \_\_\_\_\_


ОКОНХ 92310 \_\_\_\_\_

Рахбар М.Собиров \_\_\_\_\_

Баликчи тумани бўйича Фазначилик бўлинмаси

(Ф.И.Ш)

Газна х/р 23402000300100001010

  
(имзо)  
М.У.

  
(имзо)  
М.У.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ JY80323365

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Pudrat shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Baliqchi tuman xalq ta'llimi bo'llimi tomonidan 18.04.2022 (Hujjat qayta yuborilgan vaqt: 21.04.2022)**

4. Mas'ul ijrochi

Baliqchi tuman adliya bo'llimi huzuridagi yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 18-aprel kuni "E-Huquqshunos" elektron tizimi orqali Baliqchi tuman xalq ta'llimi bo'llimi tomonidan 15-maktab binosini joriy ta'mirlash ishlarini bajarib berish to'g'risida pudrat shartnomasi loyihasi ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan. Shartnomani o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 379-moddasiga ko'ra, agar shartnomaning mazmunidan boshqacha tartib anglashilmasa, u kim oshdi savdosini o'tkazish yo'li bilan tuzilishi mumkin. Shartnoma kimoshdi savdosida g'olib chiqqan shaxs bilan tuziladi. Shuningdek, kimoshdi savdosida g'olib chiqqan shaxs va kimoshdi savdosining tashkilotchisi auksion yoki tanlov o'tkazilgan kuni kim oshdi savdosining natijalari to'g'risida bayonnomaga imzolaydilar, bu bayonnomaga shartnoma kuchiga ega bo'ladi. Qolaversa, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi loyiha boshqaruvi milliy agentligining "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 3016-sodan buyrug'i bilan tasdiqlangan "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi Nizomning 117-bandiga binoan, tanlov natijalari bo'yicha shartnoma tanlov hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlov ishtirokchisi tomonidan berilgan taklifda ko'rsatilgan shartlar asosida g'olib aniqlangan vaqt dan e'tiboran o'n kundan kechiktirilmagan muddatda tuziladi.

Pudrat shartnomasi loyihasi joriy yilning 2022-yil 18-aprel kuni huquqiy ekspertizaga yuborilgan. <https://etender.uzex.uz/> elektron savdo tizimi orqali 62998 raqamli lot bilan o'tkazilgan tanloving g'olib aniqlangan vaqt 18-04-2022-yil. Bundan ko'rindaniki, mazkur pudrat shartnomasi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi loyiha boshqaruvi milliy agentligining "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 3016-sodan buyrug'i bilan tasdiqlangan "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi Nizomning 117-bandiga

talablariga rioya etgan xolda yuridik xizmat ko'rsatish markaziga ekspertizadan o'tkazish uchun yuborilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

### XULOSA QILAMAN:

Baliqchi tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 15-maktab binosini joriy ta'mirlash ishlarini bajarib berish to'g'risida pudrat shartnomasi loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 379, 631-moddalariga, hamda "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi Nizomning 117-bandi talablariga mos ravishda ishlab chiqilganligi sababli amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq deb topilsin.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

21.04.2022

Yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuriskonsulti:



M. Arabboyeva